

## Ислонинг бешиги бўлган шаҳарга эътибор



14:35 / 24.12.2020 2268

Доғистон раҳбари Сергей Меликов Дербент шаҳрига алоҳида мақом беришни таклиф қилди. Бу масала 2021 йил февраль ойида республика Миллий ассамблеяси (парламенти) сессиясида кўриб чиқилиши режага киритилган. Бу ҳақда Доғистон раҳбарининг матбуот хизмати [regnum.ru](http://regnum.ru) нашрига 22 декабрь куни вилоят ҳукуматида бўлиб ўтган учрашувдан сўнг хабар берган.

«Бу ернинг тарихий қадриятига шунингдек, Дербент шаҳри ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган Россиянинг кам сонли шаҳарларидан бири эканлигига эътибор қаратиш лозим», дейди Меликов.

Ушбу масала Доғистон ҳукумати раиси биринчи ўринбосари Абдулпатах Амирхоновга ва Дербент ҳокими Рустамбек Пирмагомедовларга топширилди.

Эслатиб ўтамиз, Дербент шаҳри дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири сифатида тан олинган. 2003 йилда ЮНЕСКО «Норин-қалъа» шаҳарнинг тарихий қисмини жумладан, VIII асрга оид масжид ва истехкомларни, ажойиб ёдгорликларни жаҳон мероси рўйхатига киритди.

**Манба:** [regnum.ru](http://regnum.ru)

***Хуршид Маъруф тайёрлади***